

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАЛҚИГАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 47 (8287). • 3 март, 1984 йил • ШАНБА • Баҳоси 3 тийин.

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ ЯҚДИЛ

Сайловчиларнинг К. У. ЧЕРНЕНКО билан учрашуви

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — жамиятнинг раҳбар ва раҳнамо кучидир. Меҳнаткаш халқ манфаатларига хизмат қилиш, совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия фаолиятининг олий мақсади. Сайлов кампанияси Ленин партияси билан халқнинг бузғунмас бирлигини, социалистик жамиятнинг метирик жиспчилигини яна бир бор яққол намойиш қилмоқда. КПССнинг ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир оила турмуши даражасини янада оширишга, совет Ватанининг иқтисодий ва мадффаа қудратини юксалтириш, ялпи тинчлик ва халқлар хавфсизлигини сақлаб қолиш ҳамда мустақамлашга қаратилган сиёсатини совет кишилари яқдидлик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда. Меҳнаткашлар СССР Олий Советига ўтказилган сайловларни ишлаб чиқаришда ютуқлар билан қўллаб-қувватлаш, партиянинг бунинг далилидир.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқи мамлакатда юксак сиёсий ва меҳнат қайғиритини вужудга келтирди, меҳнат коллективларини партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг келими Пленумлари қарорларини амалга оширишга, 1984 йил ҳамда умуман беш йиллик план ва мажбуриятларини бажаришга сафарбар этди.

2-март куни Москвада, Кремлинг сеедлар саройида Иттифок Советига сайлов ўтказувчи Москва Куйбисhev сайлов округи сайловчиларининг Бош секретари Константин Устинович Черненко билан учрашув бўлиб ўтди.



КРЕМЛИНИНГ СЪЕЗДЛАРСАРОНИ. Москва Куйбисhev сайлов округи сайловчиларининг



СССР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ К. У. Черненко билан учрашуви.

нинг Бош секретари Константин Устинович Черненко билан учрашув бўлиб ўтди. Нотиқ ўртоқ К. У. Черненкога муносабат қилиб, уни КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлиги билан пайтахнинг Куйбисhev райони меҳнаткашлари ва аҳолиси номидан табриклади, унга сийдат-саломатлик, партия, халқ, улуг Ватани, миз манфаатлари йўлидаги битмас-туғмас куч қайрат, янги илжодий муваффақиятлар тилади. У ўртоқ К. У. Черненко Москва шаҳридаги 11-Куйбисhev

сайлов округидан СССР Олий Совет депутатлигига овозга қўйилишга розилик берганлиги учун ҳам унга самимий миннатдорчилик изҳор қилди. Барча москваликлар, бутун совет кишилари сингари район меҳнаткашлари ҳам КПСС ва Совет давлати раҳбарларини СССР давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига ўзларининг биринчи номзодлари қилиб кўрсатишга, жонжон Ленин партиясига ўзларининг чекисиз ишончини изҳор қилди. Партиянинг жангонар штаби — КПСС Марказий Комитети

теварагида жипслаганликларини яна бир бор намойиш қилди. Барча совет кишилари каби Куйбисhev районининг коммунистлари ва меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлаш тўғрисидаги бир овоздан қабул қилган қарорини зўр мамнуният билан қўлиб олди. К. У. Черненко Пленумда сўзлаган нутқида мамлакатни бундан буюн социал-иқтисодий ривожлантиришнинг,

тинчлигини сақлаб қолиш учун курашнинг кенг қўламадаги вазифалари ўртага қўйилди, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ишлаб чиққан сиёсий йўл бундан буюн ҳам оғишмай амалга оширилиши таъкидлаб ўтди.

Февраль Пленуми ички ва ташқи сиёсатда Коммунистик партия билан Совет давлати ўтказаятган йўлнинг давомийлигини яққол тасдиқлади. Район коммунистлари, меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненко Пленумдаги нутқида ўртага қўйилган вазифаларни раҳбарлик ва оғишмай ижро этиш учун қабул қилмоқдалар.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар! Бу ерда сўзга чиққан ҳамма кишиларга, мени СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган Москвалик Куйбисhev райони барча меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз. (Қарсақлар). Бу ишонч мени партиямиз ленинча йўлини қўллаб-қувватлаш деб, партия Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг фаолиятини маъқуллаш деб биламан. Сизларнинг депутатлиги бўлишдек юксак шарафни оқлаш учун ўзининг бутун кучини сарфламаган, деб сизларни ишонтирмаган. (Давомли қарсақлар).

Хали яқиндагина биз оғир жудонликка учирадик — партия билан давлатнинг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андропов оламдан ўтди. У Ленин типидagi раҳбар эди. У эскиликка ва бир қилиндаги ишга тоқат қилиб турмас, ўзбўларликлари бартараф этиб, одамларни Ватан қудратини мустақамлаш манфаатлари, ер юзиди тинчлик манфаатлари йўлидаги аҳил ишга йўналтириш олар эди. Унинг раҳбарлигида партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси мамлакат ҳаётидаги муҳим илжодий силжикларни бошлаб бердилар.

Жамиятнинг ривожлантирилишини энг муҳим йўналишларига доир коллектив равишда ишлаб чиқилган йўл-йўриқлар, кейинги вақтларда эришилган нарсаларнинг ҳаммаси — салмоқли сиёсий бойликдир. Биз бу бойлигини авайлаб-асраб қўлайтираберишимиз. (Давомли қарсақлар).

Ўртоқлар! Сайловдоли кампанияси ниҳоятга етмоқда. Сайловчиларнинг йиғилишлари зўр ақтиқлик билан ишчилик руҳида ўтганлиги бу йилги кампанияга хос хусусият бўлди. Бу кампания партия билан халқ мустақам бирлигининг жонли гувоҳига айланди. (Қарсақлар). КПСС Олий Советига ўтказилган сайловга гоят катта аҳамият бермоқда. Аслини олганда бу — совет ҳокимияти-

нинг меҳнаткашлар олдидаги ҳисоботи-ку, ахир. Бу — омма социалистик давлатни бошқаришга вакил қилган одамларнинг иши устидан унинг контроллик формаси ҳамдир. Омма билан ҳаммиса рўй-рост, виждонан гапиршиш — партиямизнинг традициясидир. КПСС Марказий Комитетининг партия сайлов олди платформаси баён этилган муносабат айлани шундай ёндашув ифодасидир. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариатдаги ўртоқларини сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқларида бизнинг ички ва ташқи сиёсатимиз тўғрисида, келгусидаги режалар ҳақида муфассал гапирдилар. Мени ҳам шу хусусда баъзи фикр-мулоҳазаларни айтиб ўтишга ижозат бергайсиз.

1. Партия экономика масалаларига нақадар кўп этиб бераётганлигини сизлар яхши биласизлар. Бу масалалар КПСС XXVI съездининг иши ва қарорларида жуда катта ўрин олган эди. Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва ўтган йил декабрь Пленумларида шубҳа масалалар реалистик тарзда таҳлил этилди. Мамлакатни хўжалик жиҳатидан ривожлантиришнинг бир қанча энг муҳим проблемалари аҳамияти Марказий Комитетининг февраль Пленумида таъкидлаб ўтилди.

Шу жиҳатдан Олий Советга аввалги сайловдан кейин ўтган давр тўғрисида нималар дейиш мумкин? Умуман бу давр самарали бўлди. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари мустақамлашди ва анча янгиланди. Замонавий техника билан жиҳозланган мингдан кўпроқ саноат корхонаси ишга туширилди. Ишлаб турган завод ва фабрикалар тайлай ҳажмда реконструкция қилиниб, янгиланди. Вақолаки, бу соҳада хали истаганимиздан камроқ иш қилинганлигини тўппа-тўғри айтиб ўтаман. Халқ хўжалигининг ёқилғи-энергетика базаси ривожланди. Салкам 40 минг километр узунликдаги магистрал газ қувури барпо этилди ҳажон практикасида

хали бундай қўламли ва суръатлар мисли қўрилмаган эди. Биз кўпгина заводлар, шаҳарлар ва қишлоқларни табиий газ билан таъминлай олдик. Турмушдагаздан фойдаланаётган кишилар сони 30 миллион нафар кўпайди. Шу йилнинг бошқа кўпгина соҳаларда ҳам талайгина муваффақиятлар билан ишоланди. Масалан, бизда бир ярим миллион киловатт-қувватли ноёб ядровий реактор яратилди. Мамлакатимизда барпо этилган қудратли атом музевар кемалар Арктикани ўлаштириш тарихига янги саҳифа чизди. Ўта чуқур қудуқлар қазии ёрдамда ер бағрини разведка қилиш бошланди. Саноат ва медицинада техник лавэрлар кенг қўлланиладиган бўлиб қолди.

Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кўп иш қилинди. Бу соҳада меҳнатнинг энергия билан таъминлини 30 процент ошди. Колхоз ва совхозларга минерал ўғит етказиб бериш салкам учдан бир хисса ортиди. Булар кишлоқда меҳнатни ташкил этиш ва хўжаликни бошқарувнинг янги формаларини ривожлантириш баъли қўлиниб, сезиларли натижалар бермоқда.

Энгиниз йўлаб қўринг, ўтган йили ҳам об-ҳаводан омадими келмади, шунга қарамай донли экинлар ҳосили 190 миллион тоннадан ошиб кетди. Чорвачилик маҳсулдорлиги ҳам анча ўсди. Буларнинг ҳаммаси ҳаётдоқ қийин шароитларда ҳам яхши ташкил этилган зарбдорларча иш ўз самараларини беришини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Ҳозир гап, конкрет равишда кишиларни сафарбар этиш, жамият машина-механизмларини шай қилиб қўйиш, дала ишларининг аниқ-пухта ташкил этилишини таъминлаш тўғрисида бермоқда.

Бу ишларни лайсалга солиб ҳам бўлмади — қўламли экин-тинани озгина вақт қолди. Чорва қишлоқини муваффақиятли тугаллаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш зарур. Ўтган беш йилда халқаро ҳаёт чигалликларни бизнинг мамлакат хавфсизлигини

йиллик тошпирини жуда юксакдир. Аммо бу тошпирин бажарилишга қўламли, балки ошириб ҳам бажарилади, деб ҳисоблаш учун асослар бор. Балки ошириб ҳам бажарилиши мумкин. Биз ҳаммамиз уй-жой проблемаси хали тўла хал этилмаганлигини тушунамиз албатта, бинобарин уй-жой шароитларини янада яхшилаш йўллариин излайберишимиз. Бунда фақат давлат маблағларини ишга солиб қолинмайди. Эҳтимол кооператив асосида ва яқна тартибдаги қурилишнинг ҳам дидирлиқ кенгайтири бериш керакдир. (Қарсақлар).

Болалар боғчалари ва яслиларига келганда шунини айтиш керакки, бу борадаги кескин аҳолини бир мунча сусайтиришга муваффақ бўлинди. Аммо хали кўп ишлар қилиниши керак. Яқин йиллар ичида ўқитувчилар ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини ошириш мўлжалланмоқда. Уруш ва меҳнат ветеранлари, кўп болали оишлар, ёш келин-куялар тўғрисида, умуман совет кишиларининг турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида бундан буюн ҳам ғамхўрлик қилина беради. (Давомли қарсақлар).

Чамаси, 1983 йил тўғрисида алоҳида гапириб ўтса арийдик. Ўзларингизга маълумки, Марказий Комитет Пленуми 1982 йил ноябрда ишлаб чиққан тадбирлар комплекси экономикага зўр куч бахш этди. Беш йилликнинг иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашди қолган дастлабки икки йилнинг нуқудай тенденциясини бартараф этабшладик. Меҳнат умумдорлиги тезроқ орта бошланганлиги, экономиканинг қўлғина бўғинлариди сифат кўрсаткичлари яхшиланилиги айниқса қимматлидир.

Сизнинг районингизни олиб қўрайлик. Саноат ишлаб чиқаришининг жамияни ўсишини ишловчиларнинг сонини кўпайтиришга эришилди. Сизлар ҳозир меҳнат умумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннариинг арзонлаштириш планини ошириб бажариш учун авж олиб кет-

ган ҳаракатга актив қўшилдингиз. Тўқувчи Мария Дмитриевна, Полещуккин (Қарсақлар), токарь Алекс. сандир Михайлович Горбунов (Қарсақлар), шийасоз Нина Сергеевна, Измайлова (Қарсақлар), йигувчи-сварь Александр Николаевич Серовин (Қарсақлар), Куйбисhev районининг барча илорларини ҳаётда эришган шахсий муваффақиятлари билан қўллашга ижозат бергайсизлар. (Давомли қарсақлар).

Москва меҳнаткашлари икки ойлик панин бажарганликларини ва ҳатто бироз ошириб бажарганликларини Виктор Васильевич Гриншун бугун менга маълум қилди. Бу — катта ютуқ. (Қарсақлар). Ана шу минбардан фойдаланиб барча москваликларга энг яхши истакларининг билдиришга ва уларнинг улкан меҳнати учун катта раҳмат айтишга рухсат бергайсиз! (Давомли қарсақлар).

Эришилган натижалар — катта ишнинг бошлангичи ҳолос албатта, ўртоқлар. Ишларимиз бундан устига келчиртиб бўлмайдиган ишларимиз жуда кўп. Биз олға томон тезроқ бораётамиз ва шунини истаймиз. Экономиканинг итенисиз ривожлантириш проблемаларини анча зўр гайрат билан ҳал эта оламиз ва шундай ҳал қилишимиз керак. Чунки фақат шу асосдагина халқнинг моддий ва маънавий талаб-ҳаётини тобора тўлиқроқ қондириш мумкин.

Хуллас келгуси режалар тўғрисида гапирганда оддий бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак: яхшироқ ишлаш учун яхшироқ ишлаш лозим. (Давомли қарсақлар). Социал программа-ларимизни амалга оширишда олға томон муваффақиятлар ҳаракат қилиб бориш учун экономикани ва аввало унинг самардорлигини барқарор, муттақил ўстириш зарур. Марказий Комитетнинг декабрь ва февраль Пленумларида ҳам шу ҳақда гап борди.

Биз тор маҳкамачилик, шунингдек маҳаллийчилик мулоҳазалари билан қилинадиган ҳар қандай ҳаракатларнинг пайини қирдиб келидик ва бундан буюн ҳам шундай қилаберамиз. Аммо, ўртоқлар, шунини яширмай қолма қарши, маҳаллийчиликка қарши кураш ниқоби остида аслида маҳаллий ташаббусни бўғиб қўйиш ҳоллари хали ҳам учраб турибди. Бу жуда нотўғри иш. Иқтисодий регионлар, бир-лашмалар, корхоналарда хўжалик жиҳатдан ташаббускорликни, илжодкорликни авж олдириб юбориш — энг муҳим ва айин умумдават аҳамиятига моллик вазифаларнинг биридир.

Бу, агар билсангиз, мамлакатимиз халқлари дўстлигини — партия ленинча сиёсатининг энг муҳим асосларидан бирини янада мустақамлаш масаласи ҳамдир. Ҳар бир республиканинг яхлит халқ хўжалик комплекси сифатида Совет Иттифоқи экономикасини ривожлантиришга самарали ҳисса қўиш иқомонитлари ортиб бориши керак. Ўз-ўзидан равшаник, бунд умумхалқ манфаатларини ҳамма нарсдан юқори қўйиш лозим. Бу нарс жамиятимизнинг, дунёбарашимизнинг интернационалистик табиятидан бевосита келиб чиқади. (Қарсақлар).

Ўртоқлар, хўжалик юртимиз формалари ҳозирги замон талабларига мос бўлиши керак. Ҳозир ўтказилаётган бир қанча иқтисодий экспериментлар шубҳасиз шунга ёрдам беради. Уларнинг ердаги корхоналарга кўпроқ ҳуқуқ беришдан, уларнинг мастулиятини оширишдан, уларни марказнинг ортинда ҳойиллигидан халос қилишдан иборатдир. Тажрибада синиб қўриш излаишлар босқинчидан дадил олға ҳаракат қилишга ўтиш имконини беради. Аммо, ўртоқлар, бирон-бир экспериментга жалб этилган корхоналардагина назарни ва янгиликни жорий этиш билангина қаноатланиб бўлмади, албатта.

(Давом 2-бетда)

